



## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### ЁШЛИК ДАВРИ – ҒАНИМАТ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي قَالَ فِي كِتَابِهِ: "يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا" وَالصَّلَاةَ وَالسَّلَامَ عَلَى رَسُولِهِ  
الَّذِي قَالَ: "أَكْرَمُوا أَوْلَادَكُمْ وَأَحْسِنُوا آدَابَهُمْ" وَعَلَى آلِهِ وَأَصْحَابِهِ أَجْمَعِينَ.

**Мухтарам жамоат!** Маълумки, дунё ҳаёти – ҳар бир инсонга берилган ўткинчи синов муддатидир. Ундаги ҳар бир кун, соат, дақиқа ва ҳатто сония инсон учун кўп фойда келтирадиган ғанимат бир фурсатдир, бунда инсон онадан туғилиб, вафот этгунча охират учун сай-ҳаракат қилади. Умр бўйи қилган яхши амаллари эвазига савоб, ёмон амаллари учун гуноҳ ёзилиб турадиган бир муддатдир. Ёшлик ва ўспиринлик даври эса ҳаётнинг энг жўшқин ва ғанимат даври ҳисобланиб, унда тана аъзолари куч-қувватга тўлган ва ҳаракатлар жўшқин бўлиб, киши кўп ютуқларни қўлга киритиши мумкин бўлади. Ёшлик даври ғаниматлиги ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай марҳамат қилганлар:

... "اغتنم شبابك قبل هرمك وفرغك قبل شغلك..." (رواه الإمام الترمذى).

яъни: **“Ёшлик, ўспиринлик даврини кексайиб, мункиллаб қолишдан аввал ғанимат билинг ва бўш вақни бирор иш билан машғул бўлиб қолишдан олдин ғанимат билинг!”** (Имом Термизий ривояти).

Демак, ёшликда қилинган ишлар пухта ва мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ҳам юртнинг келажаги, унинг мустаҳкамлиги, куч-қудрати ва тараққиёти ўша юрт ёшларининг салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Улуғ ҳакимларнинг машҳур гаплари бор:

الْعِلْمُ فِي الصَّغَرِ كَالْتَّقَشِ عَلَى الْحَجَرِ

яъни: **“Ёшликда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир”.**

Демак, ҳар бир ота-она фарзандларига ёшлик даврининг бўш кунларини ғанимат билишни ва ундан унумли фойдаланиш зарурлигини тушунтиришлари лозим. Уларни ёшлигидан бошлаб, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш билан бирга, илму фаннинг барча қирраларини эгаллашга қизиқтириб, ҳалол меҳнатга ўргатиб, пешона тери билан топилган ризқ-рўзида барака бўлиши ҳақида панду насиҳатлар қилишлари айтилган муддаодир.

Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзанди ёшлик чоғини чиройли, намунали, фойдали ва савобли ишлар билан ўтказишига ёрдамчи бўлмоғи лозим. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا فُؤَادُوا أَنفُسِكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ ﴿٦٠﴾

яъни: “Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангиз” (Таҳрим сураси, 6-оят). Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам “ўзларингизни ва аҳл-оилангизни дўзахдан сақланглар!” оятини тиловат қилдилар. Шунда: “Эй Расулуллоҳ, биз оиламизни дўзахдан қандай қилиб сақлаймиз?” – дейилди. Шунда у зот: “Уларни Аллоҳ яхши кўрадиган нарсага буюрасизлар, Аллоҳ ёмон кўрадиган нарсадан қайтарасизлар”, – дедилар” (Имом Ибн Мардавайҳ ривояти).

Халқимизда “Бўладиган бола бошидан маълум” деган ҳикматли сўз бор. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам куйидаги ҳадисларида келажаги яхши бўладиган кимсалар қаторида санаш асносида ёшлигидан Аллоҳни таниб, ибодатда ўсган ёшларни мақтамоқдалар:

سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ... وَشَابُّ نَشَأًا فِي عِبَادَةِ رَبِّهِ... (رواه الإمام البخاري والإمام مسلم).

яъни: “Аллоҳнинг соясидан бошқа соя йўқ кунда (қиёмат куни) Аллоҳ етти кишини Ўз соясига олур: (улардан бири) Парвардигорнинг ибодатида ўсган ёш йигит” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Қуръони каримда Лукмони ҳакимнинг ўғилларига қилган насиҳатлари шундан иборатдир:

يَا بُنَيَّ أَقِمِ الصَّلَاةَ وَأْمُرْ بِالْمَعْرُوفِ وَانْهَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأَصْبِرْ عَلَىٰ مَا أَصَابَكَ إِنَّ ذَٰلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ ﴿١٧٧﴾  
وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ ﴿١٧٨﴾  
وَأَقْصِدْ فِي مَشْيِكَ وَاغْضُضْ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ ﴿١٧٩﴾

яъни: “Эй, ўғилчам! Намозни баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар)га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир. Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки, Аллоҳ барча кибрли, мактанчоқ кимсаларни суймас. (Юрганигда) ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин! Чунки овозларнинг энг ёқимсиз эшаклар овозидир” (Лукмон сураси, 17-19-оятлар).

Ҳар бир ота-она фарзанди дунёда бахт-саодатли, илм-маърифатли, обрў-эътиборли бўлишини хоҳлайди, охиратда эса жаннатий бўлиши орзусида бўлади. Шундай экан, ҳар биримиз ёшларимизни одоб-ахлоқли, илм-маърифатли қилиш билан биргаликда, Яратганни танитиб, Пайғамбари ким, дини нима, калимасини биладими, мазҳаби қайси, мазҳабида маҳкам туриш лозимлиги, ҳар хил оқимлардан қаттиқ ҳазар қилиш ва хоказо зарурий нарсаларни ўргатишимиз ҳам керак. Чунки мусулмоннинг фарзанди буларни билмаслиги ота-оналарининг камчилиги ҳисобланади.

Фарзандларини ёмон хулқли кимсалар таъсиридан ҳимоя қилиш ота-онанинг бурчидир. Ота-она фарзандларига яхши, ростгўй дўст танлашда

ёрдам бериши керак. Чунки ўспиринлик вақти инсоннинг феъл-атвори ва руҳияти шаклланадиган асосий давр ҳисобланади. Бундай пайтда дўстларнинг таъсири катта бўлади.

Бу борада ҳазрати Умар ўғилларига шундай насиҳат қилдилар: “*Имон-эътиқодли, ақлли ва одобли киши билан дўстлашгин. У муҳтожлигингда ёрдамчинг, қийин кунларингда қўлловчинг, маъюслигингда қувончинг, хотиржамлигингда зийнатинг бўлади*”.

Шайх Саъдий Шерозий раҳматуллоҳи алайҳ “Гулистон” китобида инсон учун дўст танлашнинг аҳамияти ҳақида қуйидаги ибратли байтни келтирган:

پسر نوح بآبدان بنشست

خاندان نبوتش گوم شود

سگ اصحاب كهف روزی چند

پي نيكان گرفت مردوم شود

яъни: *Нух алайҳиссаломнинг* (Ём исмли) *фарзандлари ёмонлар билан бирга бўлиб,*

*Пайғамбарликдан махрум бўлди,* яъни, Нух алайҳиссаломнинг барча фарзандлари пайғамбар бўлганлар, фақат Ём исмли фарзандлари ёмон кимсаларга қўшилиб, бу буюк мартабадан махрум бўлди.

*Асҳоби каҳфнинг ити бир неча кун,*

*Яхшилар сафида бўлиб, инсоният қаторига кирди,* яъни, инсонларга ўхшаб, жаннат аҳлидан бўлди.

Уламоларимиз ёшларни янги экилган ниҳолга ўхшатадилар. Боғбон ниҳолни парваришлаб, вақтида сувини қуйиб, нотўғри ўсган шохларини бутаб турса, янги кўчат чиройли ва боғбон кўзлагандай бир гўзал дарахт бўлиб шаклланиб, мева беради. Агар кўчатни экиб, парваришига эътибор берилмаса, у ўзи хоҳлагандай ўсиб, ҳар хил керак бўлмаган шохларни чиқариб, натижа боғбон кўзлагандай бўлмайди. Ёшларни ҳам “ҳали ёшқу” демасдан, уни ўз вақтида одоб-ахлоқи, таълим-тарбияси, илм-маърифати билан ҳар бир ота-она ва масъуллар шуғулланса, келажакда бизнинг фарзандлардан ҳам Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Насафий, Имом Замахшарий, Имом Марғилоний, Имом Косонийлар каби буюк олиму алломалар чиқади. Иншааллоҳ.

Бугунги кун ёшларига жуда кўп имкониятлар яратиб берилган. Ёшларимиз бу имкониятлардан оқилона ва тўғри фойдаланишлари лозим. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, баъзиларнинг фарзандлари, хоссатан, мактаб ёшидаги йигитлар вақтларининг аксарини интернет ва компьютер ўйинлари (playstation) клубларида ҳар хил ножўя ўйин ўйнаб, инсоннинг қалби ва имонига зарар келтирадиган расм ва видеоларни томоша қилиб ва тўғри йўлдан адаштирувчи нотаниш кишилар билан суҳбат ўтказиб, умрларининг олтин даврини зое қилмоқдалар.

Шунингдек, баъзи оилаларда фарзанд тарбияси тўлиғича телевизор ёки телефон аппаратларига топшириб қўйилган. Уларнинг фарзандларини ўзлари эмас, балки ўша техник жиҳозлар “тарбияламоқда”. Ҳар бир ота болалари

тарбияси учун жавобгар эканини унутмаслигимиз ва охиратда бу ҳақда айнан ота сўралишини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

**Хурматли жамоат!** Мавъизамиз давомида **“Ҳайвонот оламига нисбатан меҳр-шафқат ва ғамхўрлик кўрсатиш”** мавзусида суҳбатлашамиз. Динимиз ҳайвонот оламининг ҳаётимиздаги аҳамияти ва инсониятга манфаатини воқеъликка мувофиқ ҳолда эътиборга олади ҳамда керакли кўрсатмаларни беради. Қуръони каримнинг бир нечта суралари ҳайвонларнинг номлари билан аталди. Баъзи оятларда чорва молларининг одамларга манфаатлари неъмат ўлароқ санаб ўтилган (Наҳл сураси, 5-7 оятлар). Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайвонларнинг ҳам ҳуқуқлари борлигини асослаб бердилар. Авваламбор ҳайвонларга азият (озор) бермаслик керак. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам юз қисмига тамға урилган эшакни кўриб: **“Бунга тамға урганни Аллоҳ лаънатласин!”** – дедилар (Имом Муслим ривояти). Яна ҳайвонларни “мусла” қилиш (тирик ҳайвонларни аъзоларини кесиб ўлдириш)дан ҳам қайтарилганмиз. Демак, ҳайвонларга озор бериш, азоблаш ва уларга шафқат кўрсатмаслик шариатимизда жиноят ҳисобланади. Ҳайвонларни қамаб қўйиб, очликдан ўлдириш ҳаромдир. Ҳадиси шарифда бир мушукни қамаб қўйиб қийнаган аёлнинг азобланиши ҳақида хабар берилди (Имом Бухорий ривояти). Кунларнинг бирида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам эти суягига ёпишиб кетган туяни кўриб қоладилар ва: **“Бу тилсиз ҳайвонлар тўғрисида Аллоҳдан кўрқинглар. Минишга яроқли қилиб мининглар, ейишга яроқли қилиб энглар”**, – дедилар (Имом Абу Довуд ривояти). Ҳар бир ҳайвонни нима учун яратилган бўлса, шу ишда фойдаланиш ҳам динимизнинг кўрсатмаларидан биридир. Бир ҳадиси шарифда: **“Уловларингиз устини минбар қилиб олишдан сақланинглар...”**, – дейилган (Имом Абу Довуд ривояти). Бунинг маъноси, кимнидир кутаётганда, савдо сотиқ қилаётганда ёки бошқа ишларни қилаётганда уловни устига миниб турманг, деганидир. Ҳадиси шарифларда тирик жонзот (товуқ, қўй, эчки кабилар)ни ўқ отишга нишон қилиб олишдан қайтарилади (Имом Бухорий ривояти).

Динимиздаги ҳайвонларга боғлиқ яна бир асл қоида уларга раҳм-шафқат кўрсатишдир. Бу мавзуда кўплаб ҳадислар ривоят қилинган. Масалан, чанқаган итга шафқат кўрсатиб, қудуқдан сув олиб чиқиб берган кишининг гуноҳларини Аллоҳ таоло кечиргани ривоят қилинган (Имом Бухорий ривояти). Саҳобийлар сафарда чумчуққа ўхшаган қушнинг палопонларини олиб қўйишганда, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам палопонларни қайтариб ўз жойига қўйишни буюрдилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Ҳайвонларга раҳм-шафқатнинг бундан ҳам олий даражаси гўшти учун сўйилаётган ҳайвонни ҳам қийнамасликдир. Ҳадиси шарифларда сўйилаётган ҳайвонни кўпол равишда судрамаслик, пичоқни ҳайвонни олдида қайрамаслик, пичоқни ўтқир қилиш ва бошқа ҳайвонлар олдида сўймаслик буюрилади. Қўйни йикитиб қўйиб, пичоғини қайраётган бир кишига Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Уни бир неча марта ўлдирмоқчимисан?!”** – деб танбеҳ бердилар (Имом Ҳоким ривояти). Фатво

китобларида агар зарар етказмаса, ҳашаротларни ҳам ўйнаб ўлдириш мумкин эмаслиги зикр қилинган.

Аллоҳ таоло ушбу янги йилни барчаларимизга унумли қилиб, фарзандларимиз тарбиясига янада масъулият билан ёндашувимизни насиб айласин! Омин!